

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIVAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDAGI  
O' ZBEKISTON NEFT MAHSULOTLARI VA GAZDAN FOYDALANISHNI  
NAZORAT QILISH DAVLAT INSPEKSIYASI**

**O'ZDAVNEFTGAZINSPEKSIYA**

**Б У Й Р У Қ № 35 - И/Ч**

2015 йил « 12 » май

Тошкент шаҳри

*"Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятининг тегишли турларини амалга ошириш учун техник кўриқдан ўтказиш ва хулоса бериш тартиби тўғрисида"ги 2015 йил 18 мартдаги 33-И/Ч буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги "Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида" 289-сон қарори билан тасдиқланган "Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 1-илоvasи ва "Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида"ги Низомнинг 2-илоvasи, 2014 йил 31 декабрдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 377-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш тўғрисида"ги ПҚ-1730-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сон ва 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4455-сон Фармонлари талабларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик субъектларига қарашли нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш объектларида ўрнатилган технология жараёнларига ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига тўлиқ мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш бўйича қилинган мурожаатларини кўриб чиқишни янада такомиллаштириш ва тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Тадбиркорлик субъектларига нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялашда лицензия талабгори нефть омбори хўжалигида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва хўжалик омборини асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати юзасидан, уларга қарашли нефть омбори хўжалигида ўрнатилган технология жараёнлари ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқлиги бўйича техник кўриқ ўтказиб, маълумотнома расмийлаштирилиши жараёнида бошқа давлат органлари ва ташкилотларидан ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан олинадиган зарур ҳужжат

омборини асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати юзасидан уларга қарашли нефть омбори хўжалигида ўрнатилган технология жараёнлари ва технология асбоб-ускуналари аҳволининг амалдаги нормалар ва қоидалар талабларига мувофиқлиги бўйича техник кўрик натижалари ўрганиб борилсин.

7. Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил этиш бўлими етакчи мутахассиси (Тўйчиев)га:

мазкур буйруқ ижросини ўз вақтида таъминлаш мақсадида марказий ва ҳудудий бўлимларга етказилсин.

8. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш бошлиқ ўринбосари Н.Маҳмудов зиммасига юклатилсин.

Бошлиқ



Л.Ақбарходжаев

**Тайёрлади:**

Марказий инспекторлик бўлими  
бош технологи в.в.б



А.Джумакулов

**Келишилди:**

Бошлиқ ўринбосари



Н.Махмудов

Бош технолог



Х.Исмоилов

Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил  
этиш бўлими етакчи мутахассиси



Т.Тўйчиев

Ахборот-коммуникация технологияларни  
Татбиқ этиш ва ривожлантириш бўлими  
бош технологи



М.Ҳамидов

Таҳлил, нормативлар ва ишларни ташкил  
этиш бўлими бош мутахассиси



Х.Машарипов

**“Ўздавнефтгазинспекция”нинг  
2015 йил 12 майдаги 55-и/ч-сонли  
буйруғига 2-илова**

**“Ўздавнефтгазинспекция” худудий бўлими томонидан нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятини лицензиялашда, лицензия талабгорининг автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчалари ва мой алмаштириш пунктларида (АЁҚШ ва МАП) нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш учун асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати юзасидан ўтказиладиган техник кўрикнинг МИНИМАЛ ТАЛАБЛАРИДан ташқари бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олинadиган ҳужжатлар рўйхати**

1. Туман ҳокимлигининг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан – юридик шахснинг Низоми.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасидан – АЁҚШ ва МАПни лойиҳаси экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулоса.

3. “Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлимларидан – АЁҚШ ва МАПларда мавжуд ёнилғи қўйиш устунлари ва улчов назорат воситаларини қиёслов сертификатлари.

*Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси 32а.  
Телефонлар: 8-371-268-22-42, 8-371- 268-31-20*

Электрон манзили:           ngi@uznet.net  
   uzngi@exat.uz

Интернет манзили:           www.uzngi.uz

**“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**

**“Ўздавнефтгазинспекция”нинг  
2015 йил 12 майдаги 55-и/ч-сонли  
буйруғига 1-илова**

**“Ўздавнефтгазинспекция” худудий бўлими томонидан нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини атомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялашда лицезия талабгори нефть омбори хўжалигида нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва хўжалик омборини асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати юзасидан ўтказиладиган техник кўрикнинг МИНИМАЛ ТАЛАБЛАРИдан ташқари бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли шу жумладан электрон тарзда мустақил равишда олинадиган ҳужжатлар рўйхати**

1. Туман ҳокимлигинг тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан – юридик шахсинг Низоми.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва қурилиш қўмитасидан – хўжалик юритувчи субъектни нефть омбори хўжалигини лойиҳаси экспертизадан ўтказилганлиги тўғрисидаги хулоса.

3. “Ўзстандарт” агентлигининг худудий бўлимларидан – хўжалик юритувчи субъектни нефть омбори хўжалигида мавжуд ёнилғи қуйиш устунлари ва улчов назорат воситаларини қиёслов сертификатлари.

*Манзил:* 100007, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси 32а.  
*Телефонлар:* 8-371-268-22-42, 8-371- 268-31-20

Электрон манзили:           ngi@uznet.net  
  uzngi@exat.uz  
Интернет манзили:           www.uzngi.uz

**“ЎЗДАВНЕФТГАЗИНСПЕКЦИЯ” МАЪМУРИЯТИ**